

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Қашқадарё минтақавий

йўлларга буюртмачи хизмати”

ДУК директори

Ф.Тожибоев



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

IX. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

X. Техник қисм

XI. Танлов ва таклиф

XII. Такдим қилинадиган ҳужатлар

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТЕ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Чирокчи туман Аннаруз МФЙ ички кўчаларини жорий таъмирлаш бўйича ЛСХ ишлаб чиқиш, муаллифлик назоратини олиб бориш ва экспертиза хулосаси олиш учун**

1.8. Танловнинг юқори қиймати – **45 600 000 (Қирк беш миллион олти юз минг) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Смета лойиха хужжатларини 5 кун мобайнида ишлаб чиқиш зарур.

1.9. Хизмат бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.10. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

14. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2 1. “Қашқадарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистан Республикаси, Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар, Хонобод кучаси 23 уй. адрес: Qashqadaryo_MYBX@uz

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

14.2. Танлов Қарши шаҳри Хонобод кучаси 23 уй Қашқадарё Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУКда “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

14.3. Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) кадар

тижорат таклифлари кабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йиғилиши (эълон якун куни билан 11⁰⁰ да амалга оширилади)).

15. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.9. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.10. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предметида иштирокчининг қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлари;

танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар;

танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

Низом маблағи, миқдори.

3.11. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.12. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

16. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.7. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.8. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак,

- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.9. Танлов иштирокчиси:

такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

17. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.9. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-каленьдар кунга қадар қабул қилиши ёки узайтириши мумкин.

5.10. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.11. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

5.12.

18. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.7. Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.8. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.9. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

19. БОШҚА ШАРТЛАР

7.9. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утқазиш туғрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.10. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.11. Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.12. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади